



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uza@s2c.uz 2011-yil 1-sentyabr • №36 (4123)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Хурматли меҳмонлар! Бугун — барча шаҳар ва қишлоқларимизда, бутун мамлакатимизда муборак айём, унутилмас тарихий сана — Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганининг йигирма йиллик буюк байрами.

Бундан йигирма йил муқаддам биз юртимизда мустамлака зулми ва қарамлик даврига барҳам бериб, асрлар давомида халқимиз интилиб келган эркин ва озод ҳаёт қуриш йўлида тарихий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйдик.

Биз учун энг буюк ва энг азиз бўлган ана шу кутлуг байрам билан сиз азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришдан чексиз бахтиёрман.

Ўзининг неча минг йиллик кўҳна тарихида не-не воқеаларни бошидан кечирган халқимиз учун Ўзбекистон мустақиллиги, ҳаётимизни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган бу улғу сана кўп йиллар, замонлар ўтса-да, ўз аҳамияти, қадр-қиммати ва моҳиятини йўқотмайдиган, том маънода оламшумул воқеа бўлиб абадий сақланиб қолажак.

Мухтарам дўстлар! Биз ўтган давр мобайнида мустақилликка эришиш, эркин нафас олиб, ўз тақдирни ва келажагини ўз қўли билан қуриш жаҳондаги биронта халқ, биронта мамлакат учун ҳеч қачон, ҳеч қачонда осон бўлмаган, деган аччиқ ҳақиқатни ўз ҳаётимиздан ўтказдик, ўз мисолимизда чуқур англадик.

Дарҳақиқат, бугун вақт ўтиши билан юртимизда ўзини оқламаган, эски мустабид тузум асоратлари ва занжирларидан озод бўлиш нақадар оғир кечганини, истиқлол арафасида республикамиздаги вазият тобора кескинлашиб, таҳликали ва ўта ҳаётли туброқларимизда яна ва яна бир бор ўзимизга тасаввур қилишимиз ўринли бўлади.

Бирёқлама ривожланган, фақат хомашё етказиб беришга, мутлақ пахта яккоҳчиликка асосланган иқтисодийнинг гаят янграқ аҳолига тушиб қолгани, қашшоқлик ва бедодликка дучор бўлган аҳолимизнинг сабр-қосаси тўлиб, ўлкамиз жар ёқасига, портлаб кетиш ҳолатига етиб борганини, одамларимизнинг таъминоти, жамиятда соғлом муҳитни қарор топтириш муаммолари нақадар ўткир бўлиб турганини эслайдиган бўлсак, айна шу йиллардаги мавжуд вазият бутун мураккаблиги билан аён бўлади.

Бугун бир ҳақиқатни сира иккиланмасдан, банд овоз билан айтиш учун барча асосларимиз бор: истиқлол йўлида қандай суронли кунларни, қийинчилик ва тўсиқларни енгишга тўғри келмасин, юртимизга нисбатан қандай хуруж, зуғум ва пўписалар бўлмасин, биз энг оғир ва машаққатли давларда ҳам мустақиллик гоёсига содиқ қолиб, Ўзбекистон манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиб, ўз танлаган йўлимиздан қайтмадик ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Биз юртимизда янги ҳаёт барпо этишининг биринчи кунларидан бошлаб ҳақиқий эркинлик ва истиқлолга эришиш — бу фақат мустақилликни кўлга киритиш эмас, балки уни ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан қуриш ва мустаҳкамлаш, халқро ҳамжамиятда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш ва ҳурмат қозонишдан иборат эканини теран англаб олдик.

Ана шундай эзгу мақсадларга эришиш йўли эса барчамизга яши маълум: бу — ўзимизнинг ери ва ер усти бойлиқларимиздан, ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳиятимиз, куч-қудратимиздан фойдаланиб, кўпни кўрган, меҳнаткаш халқимизнинг ақл-заковати, ғайрат-шижоати ва халқро ҳамжамият ҳамкорлигига таяниб, дунёдаги замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш йўлидир.

Аҳолимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини янги, юксак босқичга кўтариш, шу мақсадда мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларини демократик янгилаш, либераллаштириш ва модернизация қилиш, ушбу жараёнларнинг суръатини имкон даражасида тезлаштириш — биз учун энг мақбул йўлдир.

Айна шу йўл йигирма йиллик янги тарихимиз давомида ҳар томонлама ўзини оқлаб, исботлаб берган, жаҳонда "Ўзбек модели" деб ном олган энг тўғри йўл, десам, ана шу мухташам майдонда ўтирган сиз азизларнинг, кенг жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламиз.

Харажатлари 5 баробардан зиёд кўпайгани, унинг 60 фоиздан кўпроғи соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалик, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларга йўналтирилгани ҳам дунё миқёсида камдан-кам учрайдиган кўрсаткич бўлиб, бизнинг бош мақсадимиз авваломбор инсон ҳаётини, унинг манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилганини ҳар томонлама исботлаб беради.

Айнан шу асосда йигирма йил давомида юртимизда бир ёшгача бўлган гўдақлар ва оналар ўлими 3 баробардан кўпроқ камайгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 7 йилга ўзайиб, эркеклар ўртасида 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етгани, бугунги кунда аҳолимиз сони 28,5 миллион кишини ташкил қилаётгани, ҳеч шубҳасиз, буни яна бир бор тасдиқлаб беради.

Азиз дўстларим, биродарларим! Биз кўлга киритган бу юксак марраларнинг илдизи, заминни нимада, деган саволга ҳар биримиз ҳеч иккиланмасдан, буларни барчасининг замирида аввало мустақиллик деб аталган бебаҳо неъмат, халқимизнинг фидокорона меҳнати, унинг тобора юксалиб бораётган онгу тафаккури, эртанги кунга бўлган ишончи, эзгу орзу-интилишлари мужассам, деб катта ғурур ва ифтихор билан айтишимиз табиийдир.

Бугун ана шу саховатли заминда "Ўзбекистон — янги уйимиз" деб яшаётган, қайси касб эгаси, қайси миллат ва элат вакили бўлмасин, барча юртдошларимиз Ватанимиз кўлга киритган ютуқлар, эришган марраларда менинг ҳам муносиб меҳнатим, муносиб ҳиссам бор, деб бошини банд қўтариб, мағрурланиб гапиришга тўла ҳаққидир, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мана шу юксак минбардан туриб, бизга доимо хайрихоҳ бўлиб, қўлаб-қувватлаб, ёрдам ва кўмак бериб келаётган дўсту биродарларимизга, юртимиз билан самарали ҳамкорлик қилаётган мамлакатлар ва халқларга миннатдорлик билдириб, қизгин саломларимизни йўллашга, уларга бахт ва равнақ тилашга руҳсат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, шу муаззам майдонда ҳам бўлган хорижий давлатларнинг элчилари ва халқро ташкилотларнинг вакиллари, барча азиз меҳмонларимизга, бизнинг бугунги байрамимиз — сизларнинг ҳам байрамингиздир, деб, уларни чин юракдан қутлаб, самимий ҳурмат ва эҳтиромимизни изҳор этсак, айна муқаддо бўлади.

Қадрли юртдошлар! Истиқлол бизга берган бебаҳо бойлик ва имкониятлар, эришган натижаларимиз ҳақида кўп сўз юритиш мумкин. Айна вақтда мустақиллик тарихига асло ўчмайдиган, ёрқин саҳифа бўлиб ёзиладиган улкан марраларимиз қаторида шундай буюк бир ютуғимиз борки, унинг аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди.

Мен бунга замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган соғлом ва баркамол авлодимиз тимсолида кўраман.

Бугун мана шу кенг майдонни тўлдириб, ўзининг навқирон азаму шижоатини намойён этиб ўтирган, менинг фарзандларим бўлган сиз ўғил-қизларимга, сизлар орқали бутун юртимиз ёшларига қарата айтмоқчиман:

Азиз болаларим, Оллоҳнинг назари тушган, Ўзбекистон деб аталмиш гўзал ва бетакрор ўлкада туғилиш, унинг бағрида камол топиш ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Ана шу ҳақиқат ҳар бирингизнинг қалбингиздан, юрагингиздан чуқур жой олишини истардим. Ватан севгиси, Ватанга садоқат туйғуси сизларга умрбод ёр бўлсин.

Не-не оғир синовлар, тўфон ва суронларни бошдан кечириб, қанча-қанча қурбонлар бериб, она юртимизни омон сақлаган, бизга безавол етказган аждодларимиз, ота-боболаримизнинг бу йўлда қандай катта меҳнатлари синганини ҳеч қачон унутмаслик, уларнинг хотираси ва ҳурматини жойига қўйиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Мана шундай хиссиётларни қалбдан ўтказиб, барчамиз учун яққо ягона бўлган Ватанимизни янада гуллаб-яшнатиш, унинг ёруғ ва фаровон келажаги учун бутун борлигимизни бағишлаб, керак бўлса, жонимизни фидо этишга ҳам тайёр бўлиш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир, десам, ўйлайманки, сиз азиз фарзандларимнинг дилида бўлган олижаноб туйғуларини ифода этган бўламиз.

Азиз дўстларим, қадрли ватандошларим! Бугунги улғу айёмнинг муборак Рамазон ҳайити билан айнан бир пайтга тўғри келгани ҳам Яратганимизнинг эл-юртимизга кўрсатган яна бир инояти ва марҳамати, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшилиасиз.

Барчангизни бағримга босиб, Мустақиллик байрами билан, Рамазон ҳайити билан чин қалбимдан муборакбод этиб, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Буюк ва муқаддас Ватанимиз мангу бор бўлсин! Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин! Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олов сурат.

БҮЮК ВА МУҚАДДАС ВАТАННИНГ УЛУҒ БАЙРАМИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий борада Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди

"Мустақиллик", "Озолик", "Хуррият". Бу муқаддас каломлар дунёдаги барча халқлар тилида энг тоғли, энг улғу, энг азиз, энг ардоқли, энг ҳузурбахш сўзлардир. Чунки ҳар қандай халқ учун қарамликда, бўйнида бўйинтириқ, оёғида кишан билан яшаш қанчалик катта фожиа — бахтсизлик бўлса, ўз юртига ўзи эгаллик қилиб, озод ва эркин яшаш шу қадар буюк бахт — олий саодатдир.

Бундан йигирма йил илгари халқимиз ана шундай буюк бахтга мушарраф бўлди — Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Ватанимиз мустақиллигини эълон қилди. Олам аҳли буюк ақлодорлиги башариёт шивилизациясида, илм-фан ва маданият ривожига беҳис ҳисса қўшган, бой тарих ва маданият меросига, улкан иқтисодий ва маънавий салоҳиятга эга мамлакат ва халқ борлигини ҳамда дунё харитасида янги мустақил давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганини айтиш мумкин.

Истиқлолимизнинг ҳар бир йили озод Ватанимиз соломасида том маънода эркин саҳифа бўлиб, халқимизнинг фидокорона меҳнати, ул-

кан бунёдкорлик салоҳиятининг амалий намойиши, эркин ва фаровон ҳаётимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли сифатида катта тантана билан байрам қилиб келимоқда.

Шу кунларда халқимиз ана шу буюк тарихий сана азиз неъмат — ўз мустақиллигининг 20 йиллигини кенг нишонламоқда. Ушбу кутлуг байрам мамлакатимиз бўйлаб "Буюк ва муқаддас, мустақил Ватан!" деган эзгу шior остида тантана қилинаётир. Бу қалбларимизга чексиз фахру ифтихор, гурур баҳш этди.

Мана шу шухудни давларда ҳар биримиз мустақиллигининг буюк моҳияти ва аҳамиятини, истиқлолнинг юртдошларимиз ҳаётида тутган ўрнини, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда, онгу шууримиздаги оламшумул ўзгаришларнинг асоси бўлганини янада теранроқ англаймиз.

2011 йил 31 август. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи янада гўзаллик, ўзгача тароват касб этган. Бу ерда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзо-

лари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан ва маданият, адабиёт ва санъат намояндлари, ишлаб чиқариш илгөрлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчионалари, халқро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари таширф бўурган.

Соат 19.00. Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовни қарсақлар билан қутиб оладилар. Чорлов мусиқаси байрам шодлиғаси бошла-наётганидан дарақ беради.

Президент Ислам Каримов минбарга тақдир этилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мустақиллигининг йигирма йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этди.

Бундан ронпа-роса йигирма йил олдин — 1991 йил 31 август кунини Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини эълон қилган Президент Ислам Каримов бугун — 2011 йил 31 август кунини халқимизни истиқлолга эришганининг 20 йиллиги билан қутламоқда.

Давоми иккинчи саҳифада.

Алишер НАВОЙЙ

Ғазал

Дам-бадам ҳар кун ул ой бедодини ёд айларам,
Кеча турлук-турлук ўз жонимга бедод айларам.

Юз жафо қилса манга, бир қатла фарёд айларам,
Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам.

Зулфу юзи ҳажридин ғам шони анжум гулларин,
Тундбоди оҳдин ҳар лаҳза барбод айларам.

Ўзни қатл умидио агёр қатли бийимдин,
Лаҳзае шод айласам, юз лаҳза ношод айларам.

Қомату руҳсоридин бую топармен, эй рафиқ,
Буки ҳар дам гулшан ичра майли шамшод айларам.

Сўрманг, эй ушшоқ, мендин нукта пири ишқ деб,
Негаким қуймак билла ўлмақни иршод айларам.

Эй Навоий, ҳар жафо келса ул ойдин элга ҳам,
Рашқдин мажмуъин ўз жонимга иснод айларам.

Ватан озодлиги, она халққа меҳр-муҳаббат, қомиллик йўлидаги ҳур инсоннинг эзгу мақсадлари, яратувчилик фаолияти, орзу-интилишлари барча замонларда ижод аҳлининг ўй-хаёлини банд этган, унга илҳом ва ғайрат бағишлаган етакчи мавзулардан саналади. Истиқлолимизнинг 20 йиллиги муносабати билан айна мавзуда яратилган дурдона асарлардан мўъжаз бир гулдаста тайёрлаб, шerryатимиз мухлислари-га тўхфа этиш ниятида мумтоз адабиётимиз намояндлари ва замондош ижодкорларнинг ижод намуналарига эътибор қаратдик. Албатта, бундай асарлар адабиётимизда бисёр, уларни жамласак, бир нечта китоб бўлади. Зотан, ҳар бир шоирнинг энг гўзал шеър, шубҳасиз, она-Ватан ва миллат тараннумига бағишланган. Биз, имкониятимиздан келиб чиқиб, шундай шеърлардан айримларини тақдим этарканмиз, улар улғу айём кунларида қалбингиздаги буюк ва муқаддас Ватанимизга меҳр-садоқат туйғуларини янада бойитади, байрамона кайфиятингизга сурур бағишлайди, дея умид қиламиз.

ҚОРАҚАЛПОҚ ДУНЁСИ
МАНЗАРАЛАРИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси, таниқли адиб Урозбой Абдурахмоновнинг «Қорақалпоқ дунёси», деб номланган китобини чоп этди. Китобга Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шoirи Абдулла Орипов сўзбоши ёзган. Унда У.Абдурахмоновнинг ижод йўлига бир назар ташлаб, ёзувчилик санъати, публицистик маҳоратига юқори баҳо берилади.

«Қорақалпоқ дунёси» китоби ҳақида сўз очилган олдин, шу китоб баҳона ёзувчининг ижодига доир баъзи кузатишларим билан ўртоқлашсам. Чиндан ҳам, Абдулла Орипов ёзувчилик, «Урозбой Абдурахмонов белини маҳкам боғлаб, халқимизга хизмат қилаётган сўз захматқоши», ўз халқининг «ўти билан кириб, кули билан чиқиб» қалам тебрати келаятган фидойи, ҳақиқий маънодаги халқ ёзувчиси.

Мен Урозбойнинг «Чангалзор «пайгамбар»нинг ҳалокати», «Оролим — дардим менинг» китоблари, «Бўсага» романи ўзбек китобхоналарида катта қизиқиш уйғотганига гувоҳман. Айниқсан, ўз даврига нисбатан жасорат, ҳаёт ҳақиқатига садоқат билан ёзилган «Бўсага» романи мустақиллик даврига келибгина қадр тоғгани кўпчиликка маълум.

Атоқли адиб Тўлепберген Қайибергенов Урозбой ҳақида ёзган мақолада уни бургутга қиёслайди. Бу ўхшатишда чурқ маъно бор. «Бургут қора кузгунларни лол қолдириб ўшайди, баланд тоғлар узра мағрур парвоз қилади. Унинг насибаси ҳалол», дейди адиб. Ҳа, Урозбой қорақалпоқ адабиёти осмонда бургутдек мағрур парвоз қилиб, чинакам асарлар яратаятган захматқош ёзувчидир. Бундай ёзувчи раёнда адабиётда жуда-жуда кўп бўлиши истардим. Қараган, у «Қуръони карим»ни она тилимизга икки қайта таржима қилди...

«Қорақалпоқ дунёси» китобидан ўрин олган ҳар бир публицистик мақола, ҳар бир эссеинг маъно-маъмунига ватанпарварлик гоёси сингдирилган. Адиб Орол фожоесини қаламга олади («Орол — оппоқ девор олдидан», «Миллионлаб одамлар қисмати»), сўз муаммосини кўтарди («Дарё тўлиб сув келди», «Чегара билмас дарёлар») ёки Устурт кенгликларидан сўзлайди («Устурт — имкониятлар майдони»), Кўнгирт сода заводининг ютуқларидан қувониб ёзди («Кўрмаган армон экан Кўнгирт») ёхуд янги Навоий — Учқудук — Султон Увайстоғ — Нукус темир йўлининг ишга тушиши муносабати билан қалбда жўш урган туйғуларни баён этади («Дуторнинг икки тори») — бари-барисининг маъмунидан қорақалпоқ дунёсининг ўзига хос, бетакрор ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётининг реал манзараларини, қорақалпоқ заминда мўъжизалар яратаятган фидойи одамларнинг қиёфаларини аниқ кўз олдидан келтира оласиз ва уларнинг бунёдкорлик меҳнатларидан кўнгли гурурланасиз.

Китобдаги эсселар ва публицистик мақолаларнинг мавзу доираси кенг ва ранг-баранг. Халқ ўжғалигининг бирор муҳим соҳаси, одамларни ўйлантириб юрган бирор муаммо йўқки, Урозбой унга асарлари орқали муносабат билдирмаган, фикр айтиб, муаммо ечимига ҳисса қўшмаган бўлсин. «Она меҳри», «Оқ ўтовда она алласи», «Ўтмиш ўлмасин, келажак яшасин...», «Яйловдаги излар», «Кўчманчи сайгоқлар қисмати», «Овулда шаҳар жамоли» каби асарларида ёритилган мавзулар фақат долзарблиги билангина эмас, бадий жиҳати билан ҳам пухта, уларда ўқувчини зериктирадиган факт ёки рақамлар қалашиб келмайди, аксинча, бадий «либос»га ўраб берилдики, шу боис катта қизиқиш билан ўқилади. Урозбойнинг ёзувчилик тажрибаси бу жараёнда кўл келгани кўриниб туради.

Аслида публицистик мақола ёки очерк ёзиш осон иш эмас. Ҳикоя, қисса, роман ёки шеър ёзишда ижодкордан сафарларга чиқиб, ҳаёт фактларини тўплаш кўп ҳам талаб қилинавермайди. Бироқ бу масалада публицистнинг имконияти анча чегараланган, яъни бу жарада мақола ёзишни режалаштирган ёзувчи асари сюжетини ҳаёлида тўқиб чиқара олмайдди. У тасвир объектини бориб кўриши, меҳнат жараёни билан атрофича танишиши, бўлажак қаҳрамонлари билан учрашиб сўхбатлашиши, уларнинг характер хусусиятларини, психологиясини, баъзан архив материалларини ҳам ўрганиши керак бўлади. Бир сўз билан айтганда, публицист асарига материал бўладиган ҳаёт ичиде қайнама-са, унинг барча сир асорларини тафаккурига сингдириб олмас, китобхона манзур очерк ёки публицистик мақола ярато олиши мушкул.

Менинг шахсий кузатишимча, бу жанр сўнгги йилларда давр талабидан анча орқда қолаётгандек, республикамиз ҳаётидаги тарихий ўзгаришларни ҳужжатлилик асосида, таъсири бадий усулда ёритишда оқсаятгандек.

Шундай бир шароитда «Қорақалпоқ дунёси» китобининг босилиб чиқиши, фикримча, бу бўшлиқни маълум даражада тўлдиргани кўнглига таскин беради.

Урозбой Абдурахмонов публицистика жанрининг сир-синоатини яхши билмайдиган, бу йўлда илҳомдан чарчамайдиган, қорақалпоқ халқи ҳаётидаги ҳар бир ўзгариш ва унинг замирида ётган элнинг яратувчилик даҳосини кўздан қочирмайдиган жўшқин қалбли сўз устаси. Яқинда унинг «Хуррият» газетасида босилган «Киндик қони томган ер» номли публицистик мақоласини ўқиб, чиндан ҳам ёзувчининг давримиз янгиликларини теран ҳис қилаётгани, уларга ҳозиржавоблик билан акс-садо берадиган ўткир қалам соҳиби эканига яна бир марта ишонч ҳосил қилдим. Мақола Президентимиз Исом Каримовнинг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг Қорақалпоғистон Республикасида бажарилиши ва бу соҳада амалга оширилятган тадбирлар аниқ ва кўтарини рўҳда ёритилгани, ўқиб завқланасиз, шундай элнинг фарзанди бўлганингиздан фахрланасиз.

«Қорақалпоқ дунёси»нинг иккинчи қисми ёзувчининг ҳикояларидан иборат. Ҳикоялари ўқиб, китобхон муаллифининг бадий сюжет, образ яратиш маҳоратига гувоҳ бўлади. Илҳам, маъмуни салмоқли, гоғлари давр рўҳига мос бу ҳикоялардаги воқеалар, образлар талқинида зўрма-зўрақиликни сезмадим. Аксарияти ҳажвий рўҳда, энгил юмор билан ёзилган бу асарларда муаллиф қаламга олган мавзуларнинг очилмаган қирчаларини очиб беришга ҳаракат қилади. Масалан, «Бир муҳаббат тарихи» ҳикояси шундай характерда. Бир қарашда, ҳикоя қиз билан йигитнинг севги моҳорасига бағишлангандек таассурот қолдиради. Лекин ёзувчи бу қадим мазмунини янги бир жиҳатини энгил юмор усулида очинишга эришади. Қиз йигитга унаштирилган. Кўёв бола қурилиш идораларидан бирда раҳбар. Қизнинг қариндош-уруғлари қунда-қунора бўлғуси «қувонинг қабилети» наватбате-наватб қатнаб, эҳтиёлларини битказиб олади. Келин бўлғуси қиз тўйга уч кун қолганда, қувёв болани чўз тушириб, севган йигити билан қочиб кетади... Ҳаётда бундай воқеалар учраб туради. Ёзувчи «сиздан угина, биздан бугина» қабилда вазиятдан шахсий манфаат йўлида фойдаланиб қолмишга уринган кимсалар, лапашанг қувёв ва келин бўлғувчи тўтуриқсиз қизни кулги остига олади.

Урозбойнинг ҳар бир ҳикоясида китобхонага табассум улашадиган хусусиятлар бор, ўқиб завқланасиз, кайфиятингиз кўтарилди. Углига бўлбўл расми ўрнига сасиқлопушакнинг суратини чизиб бериб, боласининг муаллимдан «икки» баҳо олишига сабабчи бўлган Пирака («Булбулнинг расми»), бир идора бошлиғи билан тил бириктириб, «хиқ-хиқ» касалига гирифторм бўлганини маҳлисда кўпчиликка ошқор қилиш мақсадида ҳар дақиқада «йўқ-йўқ» дейишдан чарчмай, қурортга йўқлангани кўлга киритган Пиримбет («Ҳикочок»), ўттиз йил саҳнада яшаб, бир минг тўққиз юз ўттиз тўққиз марта «ўлиб тирилган», «хаммага таниш, лекин қимлигини ҳеч ким билмайдиган» Туршаканин эллик йиллик юбилейини нишонлаш билан боғлиқ хангома-лар («Актёр»), гаройиб образлар китобхона кўз олдига бетакрор хусусиятлар билан гавдаланади. Бир қарашда булар ҳаётнинг майда-чўйда тафсилотлари бўлиб кўриниши мумкин. Ёзувчининг маҳорати шундаки, у мана шу «майда-чўйда» ҳаёт материалидан катта бадий ҳақиқат яратиб, ўқувчи учун ибрат бўладиган, ҳулоса чиқаришга ундайдиган фикрларни айта олган.

«Қорақалпоқ дунёси» китобидаги турли жанрларга мансуб асарларини ўзбек тилига таржима қилган ижодкорлар Исом Ҳамро билан Музаффар Аҳмад муаллиф услубининг ўзига хослигини тўла сақлашган. Халқимизда «Қозонда бўлса, чўмичга чиқади», деган гап бор. Фикримча, Урозбойнинг ёзувчилик маҳорати билан таржимонларнинг тажрибаси ва маҳоратининг уйғунлашгани «Қорақалпоқ дунёси» китобининг муваффақиятини таъминлаган омиллардан биридир.

Адибнинг қатор асарлари олдин ҳам ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилганди. «Қорақалпоқ дунёси» насрий тўплами эса ёзувчининг ўзбек китобхоналарига таништиришда наватбдаги имкониятлардан бири бўлди. Шубҳа йўқки, ушбу китоб наинки ўзбек ўқувчиларини қорақалпоқ ҳаётининг ўзига хос манзаралари билан таништиради, шунингдек, ёзувчи Урозбой Абдурахмоновнинг ўткир публицистик маҳор ҳикоянавис сифатида ҳам характерли олади.

Каримбой КУРАМБОВЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Нукус

Тақриз



Урозбойнинг «Қорақалпоқ дунёси» китобидаги турли жанрларга мансуб асарларини ўзбек тилига таржима қилган ижодкорлар Исом Ҳамро билан Музаффар Аҳмад муаллиф услубининг ўзига хослигини тўла сақлашган. Халқимизда «Қозонда бўлса, чўмичга чиқади», деган гап бор. Фикримча, Урозбойнинг ёзувчилик маҳорати билан таржимонларнинг тажрибаси ва маҳоратининг уйғунлашгани «Қорақалпоқ дунёси» китобининг муваффақиятини таъминлаган омиллардан биридир.

этиш, баҳолашда ҳам, барча адабиёт намуналари каби, умумбаشارий мезонларга, энг аввало, халқчилик, гуманизм каби принциплар ва бадий-эстетик мезонларга таяниш лозим;

— уларнинг ижодий меросини қайта баҳолаганда шўро даврида таҳлилга тортилган ва давр гоғларига хизмат қилган асарларига эмас, балки ўша даврда нисбатан назардан четда қолган, аслида эса инсон руҳиятининг хилма-хил эвриллишларни ифода этувчи бадий юксак асарларига эътиборни қаратиш лозим.

Муайян давр адабиёти ва умуман, бадий асар таҳлили ва талқинида янгиланаётган методология асослар қуйидаги тамойилларда намоён бўлди: таҳлил усулидан тўғри фойдаланиш; таҳлилда ижтимоий тамойиллар билангина чекланиб қолмаслик; аксинча, ижтимоий тамойиллардан буткул воз кечиб, соф эстетик таҳлилга асосланиб бирёқламалликка йўл қўймаслик; ёндашув методларини комплекс қўллаш.

Истиқлол даври танқиди юқоридеги талаблардан келиб чиқиб, бадий асарга биографик, тарихий-функционал, маданий-тарихий, ижтимоий, қиёсий, структурал таҳлил методларини ўзиде мутассам этган тизимли ёндашувга амал қилди ва бу омил танқиднинг таҳлил усулига янгилаштирининг методология асослари яратилишига замин бўлди; таҳлилда анализ ва синтез мутассамчилиги таъкидланди, танқид методларининг жанр имкониятлари кенгайди.

Бундан ташқари, истиқлол даври танқидчилигида структурал таҳлил методларидан самарали фойдаланила бошланди. Б.Каримнинг «Абдулла Қодирий» номли монографияси, А.Расулнинг «Структура ва структурализм», С.Мелининг «Структурализм ва структур таҳлил», Х.Болтабоевнинг структурал таҳлил намунаси бўлган «Теранлик» мақолалари фикримиз далилидир. Б.Каримнинг тадқиқоти герменевтикага бағишланган ўзбек адабиётшунослигида дастлабки йирик тадқиқот сифатида муҳим илмий аҳамиятга эга. Шу маънода мазкур тадқиқот герменевтик методда яратилган изланишларнинг намунаси эканлигини таъкидлаш жоиз.

Истиқлол даври танқидчилиги фаолиятининг муҳим жиҳатларидан бири унинг адабий жараён билан узвий боғланганлигида кўзга ташланади. Адабий жараёндаги ҳар бир янгилашни, бадий кашфиёт, янги бадий-эстетик воқеа-ҳодисалар илмий тафаккурда у ёки бу тарзда акс-садо бериб, ўз ифодасини топа бошлади. Шу жиҳатдан адабий танқиддаги «модернизм» тушунчаси талқинида оид кузатишлар характерлидир. Адабий танқидда модернизм истилоҳининг фаол кириб келиши, энг аввало, бадий тафаккурдаги, адабий жараёндаги янгилашни ҳосиласи бўлмиш янги типдаги модерн асарларнинг яратила бошлаши, шунингдек, ўзбек танқидчилигининг жаҳон танқидчилиги билан ҳаммадан бўлишга интилиши натижасидир.

Шунга қўра адабий танқид бу даврда адабий жараён билан боғлиқ ҳолда, жаҳон адабиёти ва адабиётшунослиги тажрибаларига уйғун ҳолда фаолият юритди. Хусусан, модерн йўналишидаги адабиёт, «модернизм», «онг оқими», «постмодернизм», «абсурд», «эксистенциализм» каби атамалар илк бор шарҳланди, истилоҳларга киритилди. Бу мавзуларга бағишланган гарблик олимлар, рус адабиётшунослари тадқиқотларида тўғри муносабат шаклланди. Шу тариха адабий танқид жаҳон адабий жараёни ҳодисаларига уйғунлашиб, ўзининг методология тақомиллашуви босқичига кирди. Бу ҳол жаҳон адабиётшунослигидаги мавжуд илгор қарашлар билан истиқлол даври ўзбек танқидчилиги талқин ва таҳлил усулларида муштарак жиҳатлар борлигидан далолат беради.

Албатта, адабий танқидчиликнинг мустақиллиги йилларида эришган бу ютуқлари амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор муаммолари ҳам мавжудлиги инкор этилмайди. Назаримизда, адабий танқид ўз моҳиятига қўра фаол ва ҳозиржаво соҳа сифатида адабий жараёнда кечаётган ижодий ёхуд салбий тенденцияларни, адабий йўналиш ва оқимларга хос етакчи хусусиятларини тезкорлик билан белгилаб, баҳолаб бериши лозим. Бироқ бу жараён ҳар доим ҳам кўнгилдагидек кечаётир, деб бўлмайди. Иккинчидан, чоп этилаётган бадий асарларнинг барчаси ҳам ўз вақтида етарлича баҳосини олаётгани йўқ, яъни адабий танқид адабий жараёндан орқда қолаётгандек. Учуниндан, адабий танқид бемаза қувонинг уруғидеги урчиб бораётган бадий начор, хом-хатала асарлар билан жиҳдий кураш олиб бормаяпти, таъбир жоиз бўлса, адабий танқидда курашчанлик, мунозара руҳи етишмаяпти. Албатта, истиқлол шарофати билан ижод эркинлиги таъминланган ҳозирги шароитда адабий танқид ўз позициясини янада мустаҳкамлаб олишига, миллий ва жаҳон адабиётда кечаётган ижодий жараёндан, унинг ютуқ ва камчиликларидан барчамизни хабардор қилиб боришига шак-шубҳа йўқ.

Курдош ҚАҲРАМОНОВ,
филология фанлари номзоди,
доцент

бугунги кунда ижодкорларимизга янги мавзулар, сюжетлар топишда қўл келмоқда. Миллий курашимиз мустақиллик йилларида жаҳон ареналарига кўтарилган бир пайтда ҳалқимиз орасидан чиққан полвонларнинг ҳаққоний образлари яратилган асарларнинг тарбиявий аҳамияти катта.



ди халққа қайтарилган Қодирий ҳам дунёқараш ва методга оид баҳсларнинг марказида бўлиб, мутасил айбаниб келинган эди. Бу ҳол истиқлол даври танқидчилигида янгиланаётган тафаккур олдиға айна шу ижодкорлар ҳақидаги бор ҳақиқатни холис тарзда халққа етказишни долзарб масала сифатида қўйди. Натижада адабий танқид ўз фаолиятининг бир йўналишини шу ижодкорлар ижодига бағишлади ва адабиёт илмида қодирийшунослик, фидратшунослик, чўлпоншуносликнинг яратилишига асос солди.

Айни чоғда, адабий танқид шу изланишлар жараёнида ўзининг методологиясини ҳам янгилай борди. Бу борада, айниқса, М.Қўшонов, О.Шарафидинов, Н.Каримов, Б.Назаров, У.Норматов, Ш.Турдиев, Б.Дўстқороев каби таниқли олимлар билан бир қаторда Х.Болтабоев, Д.Қуронон, Б. Каримов, И.Ганиев, З.Эшонов, Н.Йўлдошев ва бошқа кўплаб кейинги авлодга мансуб мунаққидлар фаолилик кўрсатди. Улар ўз тадқиқотларида мазкур ижодкорлар илмий-адабий меросини поэтик маҳорат нуқтаи назаридан тадқиқ этишди.

Истиқлол йилларида адабий танқид нафақат жадид адабиёт намояндаларини, айни чоғда шўро даврида яшаб ижод этган ва ўз асарлари билан бу даврга хизмат қилган атоқли сўз санъаткорлари ижодини қайта баҳолаш муаммоларини ўрганишга ҳам киришди. Бунда асосий эътибор шўро даври ўзбек адабиётининг салафлари — Ф.Фулмон, Ойбек, А.Қаҳқор, Ҳ.Олимжон ижодига бўлган янгича муносабат муаммосига қаратилди.

Маълумки, бу ижодкорлар ижодий мероси шўро даври танқидчилигида бир хил баҳоланган эмас, улар баъзан танқид объектига айлиниб ерга урилган, баъзан эса улғулашиб, танқиддан холи ижодкорлар доирасига киритилган. Шу боис, янги даврда уларнинг меросини баҳолаш ҳам гоёт зиддиятли тарзда кечди. Шўро даври ўзбек адабиётига янгича ёндашув ва холис баҳо бериш бу давр танқидининг долзарб вазиғасига айланди. Қизгин кечган баҳс-мунозараларда, умуман, шўро даври ўзбек адабиётига, хусусан, юқоридеги номлари зикр этилган адиблар ижодига икки хил қараш юзага чиқди: бир томондан улар замонасозликни тадқиқ қилинди, иккинчи томондан улар ижодига тарихийлик принципи асосида янгича концепция билан ёндашилди. Қизгин кечган баҳс-мунозара жараёнида тўғри объекте йўл танланди, яъни шўро даври адабиёти ва адиблари ижодига хос замонасозликни яшириб қўбратиш ҳам, уларни кескин танқид қилиш ҳам самарасиз ҳаракат, бу давр адабиётига тушуниб ёндашиш, бадийят намунаси бўлган, илгор, тараққиқпарвар асарларнинг бадий жиҳатларини ўрганиш лозим, деган ҳулосага келинди.

Истиқлол даври танқидчилигида О.Шарафидинов, Н.Каримов, Б.Назаров, Д.Қуронон ва бошқа кўплаб мунаққидлар бу ижодкорлар ижодини баҳолашда қуйидаги масалаларга эътиборни қаратдилар:

- бу ижодкорлар ижоди умумидадабиётимизнинг бир қисмидир. Уларни қайта баҳолаш ва ўрганишда шарқона миллийлик ва умуминсонийлик тамойиллари ҳамда азалий қадриятларимиз сифатида муносабатда бўлиш зарур;
- бу ижодкорлар асарларини таҳлил ва тадқиқ сабат муаммосига қаратилди.

Маълумки, бу ижодкорлар ижодий мероси шўро даври танқидчилигида бир хил баҳоланган эмас, улар баъзан танқид объектига айлиниб ерга урилган, баъзан эса улғулашиб, танқиддан холи ижодкорлар доирасига киритилган. Шу боис, янги даврда уларнинг меросини баҳолаш ҳам гоёт зиддиятли тарзда кечди. Шўро даври ўзбек адабиётига янгича ёндашув ва холис баҳо бериш бу давр танқидининг долзарб вазиғасига айланди. Қизгин кечган баҳс-мунозараларда, умуман, шўро даври ўзбек адабиётига, хусусан, юқоридеги номлари зикр этилган адиблар ижодига икки хил қараш юзага чиқди: бир томондан улар замонасозликни тадқиқ қилинди, иккинчи томондан улар ижодига тарихийлик принципи асосида янгича концепция билан ёндашилди. Қизгин кечган баҳс-мунозара жараёнида тўғри объекте йўл танланди, яъни шўро даври адабиёти ва адиблари ижодига хос замонасозликни яшириб қўбратиш ҳам, уларни кескин танқид қилиш ҳам самарасиз ҳаракат, бу давр адабиётига тушуниб ёндашиш, бадийят намунаси бўлган, илгор, тараққиқпарвар асарларнинг бадий жиҳатларини ўрганиш лозим, деган ҳулосага келинди.

Истиқлол даври танқидчилигида О.Шарафидинов, Н.Каримов, Б.Назаров, Д.Қуронон ва бошқа кўплаб мунаққидлар бу ижодкорлар ижодини баҳолашда қуйидаги масалаларга эътиборни қаратдилар:

- бу ижодкорлар ижоди умумидадабиётимизнинг бир қисмидир. Уларни қайта баҳолаш ва ўрганишда шарқона миллийлик ва умуминсонийлик тамойиллари ҳамда азалий қадриятларимиз сифатида муносабатда бўлиш зарур;
- бу ижодкорлар асарларини таҳлил ва тадқиқ сабат муаммосига қаратилди.

Маълумки, бу ижодкорлар ижодий мероси шўро даври танқидчилигида бир хил баҳоланган эмас, улар баъзан танқид объектига айлиниб ерга урилган, баъзан эса улғулашиб, танқиддан холи ижодкорлар доирасига киритилган. Шу боис, янги даврда уларнинг меросини баҳолаш ҳам гоёт зиддиятли тарзда кечди. Шўро даври ўзбек адабиётига янгича ёндашув ва холис баҳо бериш бу давр танқидининг долзарб вазиғасига айланди. Қизгин кечган баҳс-мунозараларда, умуман, шўро даври ўзбек адабиётига, хусусан, юқоридеги номлари зикр этилган адиблар ижодига икки хил қараш юзага чиқди: бир томондан улар замонасозликни тадқиқ қилинди, иккинчи томондан улар ижодига тарихийлик принципи асосида янгича концепция билан ёндашилди. Қизгин кечган баҳс-мунозара жараёнида тўғри объекте йўл танланди, яъни шўро даври адабиёти ва адиблари ижодига хос замонасозликни яшириб қўбратиш ҳам, уларни кескин танқид қилиш ҳам самарасиз ҳаракат, бу давр адабиётига тушуниб ёндашиш, бадийят намунаси бўлган, илгор, тараққиқпарвар асарларнинг бадий жиҳатларини ўрганиш лозим, деган ҳулосага келинди.

Истиқлолимиз шарофати билан тикланган қадриятларимиз, халқимизнинг азалий урф-одатлари, анъаналари, қадим тарихимизнинг унутилаёзган саҳифаларига қизиқиш, уларни ўрганиш, бадий сўз кўмағида гавдалантиришга уриниш

Янгилаштирилган
Тамойиллари

Истиқлол йиллари Ўзбекистон халқи учун чинакамига юксалиш даври бўлди. Мамлакатимиз барча жаҳалларда — ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий соҳаларда юксак ривожланган босқичини ўтаб, жаҳонга юз тутди. Бундай юксалиш илм-фан, адабиёт ва санъатда ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлди.

Маълумки, шўро даври илми ўзининг марксча-ленинча таълимотини яратган ва илм-фан ана шу таълимотнинг методология кўрсатма ҳамда йўл-йўриқлари доирасида фаолият юритар эди. Унинг асосий хусусиятлари — синфийлик ва партиявийлик принциплари адабиёт илми, жумладан, адабий танқидни гоғвий курашнинг қуролига айлантирди, унинг бадий асарни баҳолашдаги имкониятларини чеклади. Ватанимиз истиқлолга эришган, объектив шароит эркин фикрловчилар учун кенг имкониятлар эшигини очди. Ижтимоий соҳанинг барча йўналишларида, жумладан, фалсафа, эстетика, адабиёт ва санъат ҳамда адабиётшуносликда методология тамойилларни янгилаш зарурлиги кун тартибига қўйилди, амалий ҳаракатлар юзага кела бошлади.

Адабий танқид концепциясининг янгилаштирилган дунёқараш билан боғлиқ ҳодиса бўлиб, одам ва оламни англашда янгича тушуниш, англаш, билишга интилишни назарда тутди. Шўро даври адабиётда одамга, аввало, ижтимоий ҳаётнинг бир қисми, ишлаб чиқариш кучи сифатида қаралган бўлса, истиқлол йилларида инсонга ўз қалби, туйғулари, шахсий кечими ва руҳий оламига эга бўлган индивид сифатида ёндашила бошланди. Яъни, оламни англаш, жамият ва табиатга муносабат билдириш маркази инсонга кўчди. Шунингдек, шўро замонида бадий асарга ҳаётнинг инъикоси, деб қараш етакчи принцип саналган бўлса, мустақиллик даврига келиб асарнинг бадий-эстетик ҳодиса эканига эътибор ортди, яъни унинг сўз санъати намунаси эканлигини шунчаки таъкидлашдан амалий эътироф этишга ўтишди. Шу боис бадий асар таҳлили ва тадқиқида бадий-эстетик мезонлар етакчилик қила бошлади.

Истиқлол даври адабий танқидчилигида эскирган, собик шўро мафқурасига хизмат қилган таҳлил ва талқин принципларидан воз кечилиб, танқидий тафаккурда илмий концепция янгиланди. Мустақиллик шарофати билан барча соҳаларда амалга оширилган ислохотлар, ижтимоий-маданий ҳаётдаги ўсиш-ўзгаришлар адабий танқид методологиясининг янгилаштирилган тамойилларига замин ҳозирлади, шарт-шароит яратди. Шунга қўра адабий-танқидий қарашлардаги туб ўзгариш ва янгилаштирилган: адабий жараёнинг етакчи тенденцияларини аниқ белгилаб олишда; бадий асарга эстетик ҳодиса сифатида ёндашишда; асарга матн таҳлилидан келиб чиқиб баҳо беришда; адабий танқидга хос жанрларнинг тақомилга эришувида; танқидчи «мен»нинг индивидуал услуби ва ўз ҳўкм-хулосаларини эркин ифодалашда намоён бўлди.

Утган асрнинг сўнгги ўн йилликларда бошланган танқидий тафаккурдаги янгилашни жараёнлари, айниқса, миллий уйғониш (жадид) даври ўзбек адабиёти намояндалари, уларнинг асарларига ёндашишда яққол кўрина бошлади. Зеро, аср бошида реалистик адабиётнинг тамал тошини қўйган, янги типдаги адабиётнинг вужудга келишига ўз хиссаларини қўшган Маҳмудқўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби жадид адабиёти намояндалари ижодини янгича методология тамойиллар асосида ўрганиш ҳам илмий, ҳам ҳаётий заруратга айланган эди. Негаки, шўро даврида жадид адабиёти вакилларининг ўзларини эмас, асарлари ҳам каттагон қилинган эди. Уларга «халқ душмани», «миллатчи», «пантуркист» каби кўплаб ноҳақ сиёсий айблар қўйилиб, ижодий мероси халқдан сир туттилган, ҳатто комфрқаннинг XX съезидан кейинги «нисбий илқилик даври»да ижод



СУРАТДА: (ваплдан) О.Шарафидинов, Л.Қаюмов, А.Қаҳқор, О.Екубов ва М.Қўшонов. С.МАҲҚАМОВ биситидан.

«АЛВИДО, ГўЗАЛЛИК»

Ҳаёл бошқа, ҳаёт бошқа, дейишади. Уй-хаёлга нималар келмайди, унинг чеку чегараси йўқ. Ҳаётнинг эса, ўз тартиб-қои

Турди ФАРОҒИЙ

Тор кўнгулдук беклар, ман-ман деманг, кенглик қилинг, Тўқсон икки бори ўзбак юртидур, тенглик қилинг.

Бирни қичоқу хитою, бирни юз, найман деманг, Қирқу юз, минг сон бўлуб, бир хон ойинлик қилинг.

Бир яқодин бош чиқориб, барча бир тўнга кириб, Бир ўнгурилик, бир тиризлиқ, бир яқо-енглик қилинг...

Мардлар майдон чекиб, рангин кўториб захмлар, Сизга йўқ, ул жавҳару юзга упо-енглик қилинг.

Усмон НОСИР

ЮРАК

Юрак, сенсан менинг созим, Тилимни найга жўр этдинг. Кўзимга ойни беркиддинг, Юрак, сенсан ишқибозим.

Сенга тор келди бу кўкрак, Севинчнинг тошди қирғоқдан. Тилим чарчар, ажаб, гоҳи Сени таржима қилмоқдан.

Сен эй, сен — ўйноқи дилбар, Зафардан изла ёрингни. Тулиб қайна, тошиб ўйна, Тирикман, куйла борингни!

Итоат эт! Агар сендан Ватан рози эмас бўлса, Ёрил, чақмоққа айлан сен, Ёрил! Майли, тамом ўлсам!..

ОЙБЕК

НАЪМАТАК

Нафис чайқалади бир туп наъматак Юксакада, шамолнинг беланчагида, Кўёшга кўтариб бир сават оқ гул, Виқор-ла ўшайган қоя лабида Нафис чайқалади бир туп наъматак...

Майин рақсига ҳеч қониқмас кўнги, Ваҳший тошларга ҳам у берар фусун. Сўнмайди юзида ёрқин табассум, Яноқларни тугиб олтин бўса-чун, Кўёшга тутуди бир сават оқ гул!

Пойида йиғлайди қумуш қор юм-юм... Нафис чайқалади бир туп наъматак... Шамол инжуларни сепар чашмадек Бошида бир сават оқ юлдуз — чечак, Нозик саломлари нақадар маъсум!

Тоғлар ҳавосининг фирозасидан Майин товланади бутун ниҳоли. Ваҳший қояларнинг ажиб ижоди: Юксакада рақс этар бир туп наъматак, Кўёшга бир сават гул тутиб хурсанд!

Ҳамид ОЛИМЖОН

ЎЗБЕКИСТОН

(Парча)

Водийларни яёв кезганда, Бир ажиб ҳис бор эди менда...

Чаппор уриб гулдаган боғин, Ўпар эдим Ватан тупроғин.

Абдуҳамид ЧЎЛПОН

КЎНГИЛ

Кўнги, сен мунчалар нега Кишанлар бирла дўстлашдинг? На фарёдинг, на додинг бор, Нечун сен мунча сустлашдинг?

Ҳақорат дилин оғритмас, Тубанлик мангу кетмасми? Кишанлар парчаланмасми? Қилчлар энди синмасми?

Тириксан, ўлмагансан, Сен-да одам, сен-да инсонсен, Кишан кийма, Бўйин эгма, Ки сен ҳам хур тугилгонсен!

Ғафур ҒУЛОМ

Мунча ҳам соғинтирдинг, азиз Ватаним, Бодомдай минг кўз билан интизор таним, Қанот қоққан жўжадай титраб баданим, Иштиёқ ҳижрониди қолдим, севганим, Чаманлар, гулбоғлар ёдимга тушди.

Лоладан поёндоз ҳар бир қаламда, Узлуксиз қулқута доимо банди, Олтин тупроғингни ўшганим дамда Нафасинг сезилар эди баданда, Ҳароратли кучоқлар ёдимга тушди.

Иссиқ кўёш бошимдан силаб ўстирган, Оёғимга устингда кирмаган тикан, Кипригимга кўнган зарринкор чангдан, Алқисса, шаббода чонган оҳангдан Муסיқавий жумбоқлар ёдимга тушди.

Баланд-баланд тоғларинг минг пиллапоя, Арчалар ёнбағрига ташлайдир соя, Мен ошиқ шаббода, кўёша, оя, Шейр ўқиб, шейр ўқиб билониҳоя Чулдироқ ирмоқлар ёдимга тушди.

МИРТЕМИР

РОЗИМАН...

Розиман, ризоман, ўла-ўлгунча Халқим деб ўлдим. Халқим нима бўлса, мен ўша бўлдим, Юрагим, бўғилма, ўртанма бунча!

Ўзимга хиёнат қилдим аксар, Халқимга хиёнат ўйлаганим йўқ. Менинг юрагимни тешиб ўтдилар Халқимга отилган талай-талай ўқ.

Қанча йўллар босдим, гоҳида толдим, Лекин халқ номига юқтирмадим гард. Фарёд солар чоқда жим бўла олдим, Халқим ларди эди дил ўртаган дард.

Халқим етагида етдим воёга, Халқ билан кулдим. Бардошим сўз бермас, дейман, қояга... Розиман, ўлгунча халқим деб ўлдим.

Одамлардан тинглаб ҳикоя Ўсар эди шоирда гоё. Дарёлардан куйлаб ўтардим, Эртақларга қулоқ тутардим. Ҳаммасини тинглардим, аммо Ўхшашини топмасдим асло.

Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон, Достонларда битган Ўзбекистон — Ўзбекистон дея аталур.



Эркин ВОҲИДОВ

БИР НИҲОЛ

Юртдошим, боғинга бир ниҳол қада, Бу ниҳол номини Яхшилик ата.

Ниҳолинг ёнига бир гул экиб қўй, У гулнинг исмини Гўзаллик деб қўй.

Гулу ниҳолингга бахш этиб ҳаёт, Сув бер ва бу сувга Меҳр деб қўй от.

Сендан фарзандинга боғ қолсин, эй дўст, Боғинг Ватан деган ном олсин, эй дўст.

Абдулла ОРИПОВ

БИР МАРТА

Бир марта кўрганман, Фақат бир марта, Тушимнинг ҳаётда ростга дўнганим. Бир марта кўрганман, Фақат бир марта, Ойнинг ўроғига юлдуз кўнганим.

Бир марта кўрганман, Фақат бир марта, Отамнинг жимгина йиғлаганини. Бир марта кўрганман, Фақат бир марта, Онанг йўқ, деб бағрин тиглаганини.

Бир марта кўрганман, Фақат бир марта, Янгради Озодлик сўзи дафъатан. Бир марта кўрганман, Фақат бир марта,

Уни севиб эл тилга олур. Чиройлидир гўё ёш келин, Икки дарё ювар қоқилин. Қорди тоғлар турар бошида, Гул водийлар яшар қошида. Чор атрофга ёйганда тилам, Асло йўқдир бундайин кўклам. Тоғлардаги қип-қизил лола Бўлиб гўё ёқут пиёла, Булоқлардан узатади сув, Эл кўзидан қочади уйку...

Дил узҳори

Энг улуғ, энг азиз байрами- миз — Мустақиллигимизнинг қутлуғ йиғирма йиллиги катта шодиёнларга айланиб кетди. Озод ва обод элга куй-қўшиқ ҳам, ўйин-кулги ҳам ярашади. Истиқлол йилларида амалга оширилган ислохотлар самараси одамларнинг юз-кўзида, болаларнинг шўх-шодон давраларида, ёшларнинг ғайрату шижоатида экс этиб турибди.

Мустақил давлат қуриш осонликча кечмади. Эски тузумни парчалаб, унинг ўрнига янги тузум қуриш машаққатли, мураккаб жараён. Айниқса, дастлабки йиллари кўп муаммоларни ҳал қилишимизга тўғри келди.

Бадий сўзга турли замонларда турлича муносабатда бўлганини, бироқ ҳеч бир даврда адабиёт истиқлол даридагидек давлат даражасида

Рауф ПАРФИ

Абдуҳамид Сулаймон Чўлпон

Дунё оқ эмасдир, йўқ, қора бардош, Куйиб ёдимиздан кечганлар айтсин. Сўзларида захар, кўзларида тош, Элидан, тилидан кечганлар айтсин.

Тулар босиб келар дунё ҳасрати, Қулар гизли тугён, босиб келар шейр. Нечук қисмат эрур шоир қисмати, Тушларимни бузар ҳазрат Алишер.

Йиллар баҳоримни учирди чалқиб, Музларга кўчирди ўтлуқ ёзимни. Ахтардим муҳитда хас каби қалқиб —

Мен ўз Юлдузимни, ўз Кўёшимни. Юлдуз сен. Кўёш сен. Сен она халқим, Сен учун сийдирдим синмас созимни.



Бахтиёр ГЕНЖАМУРОД

ВАТАН

Яланг оёғимга санчилса тикан, Тан оғриб, қон кўпчиб, ингранади жон. Ўзи сендан ўзга санамадим мен, Таннимсан, қонимсан, жонимсан, Ватан!

Тан — кўзга кўринган савлатим менинг, Қоним-чи, — жонимга, руҳимга макон. Мақтанга сўз етмас васфингни сенинг, Танам ичиндаги танимсан, Ватан!

Миллион йил саҳрода гулдек очилган Сир, Сурхон, Зарафшон, Ўқузларёсан. Юрагимдан вужуд ичра сочилган Қоним ичиндаги қонимсан, Ватан!

Жон — Аллоҳ неъмат: биз учун иқбол, Эркин руҳ — инсонни юксалтирган шон. Халқимнинг қамони, бахти Истиқлол, Жоним ичиндаги жонимсан, Ватан!

Ҳалима АҲМЕДОВА

ВАТАН

Мен ҳеч кимни ранжитганим йўқ, Ва ҳеч кимга етмас зиёним. Аммо сенинг олдинда, тупроқ, Айб қилгандай титрайди жоним.

Райҳонларга чўлғаниб кетган — Онам ҳиди келади сендан. Биламанки, хокисорганим, Сен ҳеч нарса кутмайсан мендан.

Маломатта қолиб бу бошим, Сенга бағрим бериб ётган чоғ. Юпатдинг ҳам, тушуддинг мени — Дўсту ақинларимдан кўпроқ.

Мен туғилган кунимдан бошлаб, Таллинганим сен бўлдинг, ишон. Сенинг зарра-зарраларингда — Ҳақ жамоли бўлди намоён.

Ўзга тупроқ тортмас дилимни, Жойнаомизм ўзинг, чўкчим тиз. Ахир, сендан юрагимгача Боғлаб турар илоҳий илди.

Фарида АФРЎЗ

Йиғирмага кирди истиқлол — ўғлон, Йиғирмага ёшда қиз, сулув — ҳуррият. Мен нега қувнамай, фахр этмай, айтнинг, Бошимда тоғдайин турар ҳимоят!

Йиғирмага кирди шуҳрат ҳам, шон ҳам, Йиғирмага ёшдади қамолот, шараф. Жаҳонга нур сочар "ўзбек" деган ном, Шу ном-ла ифтихор, гурур, ҳар тараф.

Йиғирмага кирди бобом орзуси, Йиғирмага ёшдади озодлик, сафо. Тўқиллик, барака, галаба, хирмон, Халқимга ёр бўлди фароғат, вафо.

Йиғирмага кирди тинчлик, тотувлик, Йиғирмага ёшдади кўнгида сурур. Қушлар учиб ўтмас тоғлардан ошдик, Пурвиқор чўққимиз, гоғимиз — мағрур.

Йиғирмага кирди эркин сўз, ижод, Йиғирмага ёшдади кўнги, баёт. Дилимни куйладим, дилимни чалдим, Яна гўзал бўлди гўзал бу ҳаёт.

Гули Нигор АБАЗОВА

Зулфия мукофоти совриндори

ТУҒЁН

Ватан — юрагимда улғайган эртақ, Қизганиман уни қалбдаги сирдек. Шу эртақ аслида рўёдан кешиб — Яшмоғим учун бўлган тиргақ.

Шу эртақ ҳар оқшом оромим бўлиб, Оважоним каби аллалар соҳир. Шу эртақ гоҳ отам, бобомдек кулиб — Ғамхўрлик қилади, кўрсатар меҳр.

Гоҳо саҳарларда тонг насимида Кўз очгим келмаса уйқудан ширин. Шу эртақ посбондек туриб бошимда — "Сени кутяпман", деб шивирлар секин.

Аждодлардан мерос илоҳий севги Ёниб, куйиб яшар қақнуга ўхшаб. Кўнгилимга урилар тўлқиндек сезги — Сени севмасдан ҳам бўлурми яшаб?

ҚОРАҚАЛПОҚ КИНОСИ

Халқимиз Мустақиллик байрамини шоду хуррамлик ила нишонлаётган лаҳзаларда бизга яратилган чексиз имкониятлар, тинч, обод ва фаровон ҳаёт учун юрагимизда шукроналик туйғуларни жўш уради. Беихтиёр ўз-ўзимизга ҳисоб бериб, мен Ватан учун нима иш қилдим, деб ўйлаиб қоламиз. Бундай ўй-фикрлар кишини жўшқин фаолиятга ундайди...



Истиқлол туфайли ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида катта ўзгаришлар содир бўлди. Мана, масалан, кино санъатини олиб қарайлик. Мустақиллик бўлмаганда қорақалпоқ тилида бадий филм яратиш ҳақида фикрлашнинг ўзи ҳам хаёл эди. Ҳаттоки, "Ўзбекфилм" ўзи ишлаб чиқарган киносининг номини қўйишга ҳам марказдан рухсат олишга мажбур бўлганини яхши биламиз.

Мустақиллик ўзбек киночилари билан бир қаторда қорақалпоқ киноси учун ҳам катта имкониятлар эшигини очиб берди. Илгари йилига тўрт киножурнал, тўрт ҳужжатли филм,

юқоридагиларнинг "кўнглига инсоф берса", биргина бадий филмни дубляж этишгагина қурби етадиган студия ҳозирги кунда йилига 15-20 ҳужжатли филм, битта миллий бадий филм, бирикки мултифилм яратиш имкониятига эга бўлди. Йиғирма йил ичида қорақалпоқ киностудияси юздан ошдиқ ҳужжатли филмларни суратга олди. Бешта бадий филм ишлаб чиқарди. Шу кунларда олтинчи филм ақунланмоқда, еттинчи филмни ҳам суратга олиш бошланди. Бундан ташқари, ўз кучимиз билан учта мултифилм ишладик, олтинчи мултифилмни дубляж қилдик. Энг муҳими моддий-техник базамиз яхшиланди, студияга малакали мутахассислар жалб этилди. Энг замонавий асбоб-ускуналарга эга бўлдик. Бу янги филмларни суратга олишда кўл келмоқда.

Яқинда Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган "Истиқлол солномаси" номли киноасарлар танлови ақунланди. Танловда "Қорақалпоқфилм"

студияси томонидан суратга олинган "Қорақалпоқ достонлари" номли этнографик филмимиз учун рағбатлантирувчи мукофот билан тақдирландик. "Қирққиз" достони асосида ишланган ушбу филм 2007 йилда суратга олинган. Унда Тўмарис момоларимиздан мерос қолган Ватан учун кураш мавзуси тасвирланган. Филм қахрамонлари — қизлар. Улар от минган ва жағовар кийим кийган ҳолатда томошабинга намоён бўлади. Қирққа киз ролини талқин этиш учун республика бўйича от чопишни биладиган чавандоз қизлар жалб этилган. Нукус ташқирисидида отчопар майдонида ва Қоратос этақларида отда чопиш саҳналари суратга олинган. Миллий маданиятимизга, ўзига хос менталитетимизга бўлган эътибор, меҳнатимизнинг қадрланиши бизни беҳад қувонтирди.

Сўзимизнинг бошида айтилган фикрга қайтадиган бўлсак, мустақиллик бизга кино соҳасида кўп нарса берди, кўп нарса ишлашга имконият яратди. Биз эса мустақиллигимизни мустақамлаш йўлида меҳнат қилмоқдамиз. Бу — биз учун ҳам фарз, ҳам қарз, ҳам муқаддас вазифа.

Муродбой НИЗОНОВ, "Қорақалпоқфилм" студияси директори

ИЖОДКОР ЭЛ КЎЗИДА

аҳамият касб этмаганини ҳам-мамиз яхши биламиз. Тарихдан маълумки, ўтиш даврида маънавият оғир синовларни бошидан кечириди. Биз ўша давр машаққатларидан омон-эсон ўтиб олдик. Ёзувчиликни ўз қисмати, деб биладиган, ўз юртини севадиган, унинг нури келажига ишонганидан адиблар ижодий изланиш ва ёзишда давом этдилар.

Мустақиллигимизнинг йиғирма йиллиги арафасида турли соҳа ходимларидан бир гуруҳи, шу жумладан, адабиёт ва санъатимиз вакиллари Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан мукофотланди. Улар орасида ментга «Ўзбекистон халқ ёзувчиси», деган юксак унвоннинг берилиши, аввало Президентимизнинг маънавиятга, хусусан, адабиётга бўлган беқиёс эътибори, деб биламан. Бу эътиборни қўлида қалами билан элу юрт хизматида бел боғлаган ҳар бир ижодкор кўриб, ўз ҳаёти мисолида сезиб турибди, десам ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Шу ўринда ёзувчиларнинг ижодий имкониятларини кенгайтириш учун зарур шарт-

шароит яратиб беришга қаратилган Ёзувчилар уюشمаси ҳузурида "Ижод" фондини ташкил этиш тўғрисида Президентимиз қарорини алоҳида таъкидлаш лозим. "Дурмон" ижод уйи ва Ёзувчилар уюشمаси поликлиникасида олиб борилган қурилиш-таъмирлаш ишлари, ў т к а з и л г а н тадбирлар қалам аҳлига ғамхўрлик, рағбат ва катта хайрихоҳликдан далолат беради. Айниқса, ёш ижодкорларнинг қўллаб-қувватланиши, уларнинг илк китобларини нашр этириш ва китобхонларга етказиб бериш йўлига қўйилгани истеъдод соҳиблари учун айни мулдоа бўлди.

Рағбат ва моддий-маънавий кўмак ўз навбатида ҳар бир ижодкорга қанот бағишлаб, уни янги парвозлар сари ундайди. Бугунги кунда давр билан ҳамнафас ёзувчиларга ҳавасим келади. Мухаммад Али, Саъдулла Сибёв, Омон Мухтор, Муродбой Низонов, Ўрозбой Абдураҳмонов, Шой-



им Бўтаев, Собир Ўнар, Ҳайдар Мухаммад, Луқмон Бўрихон, Улуғбек Ҳамдам... Уларнинг асарларини мунтазам кузатиб бораман.

Биз нафақат ижодимиз билан, балки фель-атворимиз, эл орасида юриш-туришимиз, қилаётган ишларимиз билан ҳам ёзувчи деган номга лойиқ бўлишимиз керак. Ҳа, бу шундай, лекин осон эмас. Гоҳо яшшилигингни биродан аяганингни сезмай қоласан. Гоҳо ўзинга келганда бошқаларни унутиб қўясан. Ҳолбуки, ижодкор эл кўзида. Одамларимиз уларга ишоннади. Демокриманки, биз қалам аҳли

миллатимиз маънавиятининг посбонларимиз. Ўзимга келсак, ҳаётимни ижодсиз тасаввур қилолмайман. Энди бир ғайратимга юз ғайрат қўшиб ижод қилишим, юксак ишончли оқлашим керак. Фурсатдан фойдаланиб барча ижод аҳлини, газетхонларни жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигининг йиғирма йиллиги билан қутлайман.

Фарҳод МУСАЖОН, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Мустикаллимизнинг 20 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига қўра давлатимизнинг юксак унвонлари ва орден-медаллари билан мукофотланган орасида халқимизнинг севимли санъаткорларидан бири, мумтоз ашулаларимизнинг мохир ижрочиси, Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиеваннинг ҳам номини ўқиб, телефон орқали боғланишга шайлодим. Дастлабки кўнғирғом хонанда Самарқанд шаҳрининг Регистон майдонига ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросимига репетицияда эканига тўғри келди.



Мана, ниҳоят телефонда суҳбатдамиз. Муножатхонни юксак мукофот — «Буюк хизматлари учун» орденига сазовор бўлгани билан қўлаб, хушxabарни қандай шароитда эшитгани билан қизиқдим. — Регистонда репетицияда банд эдик. Танаффусда ҳаммамизни бир жойга тўпланишга таклиф эттиди. Микрофон орқали Президентимиз Фармонига мувофиқ мукофотланган орасида шу майдондагилардан тўрттаси борлигини айтишди. Биринчи бўлиб менинг номим тилга олинганда, ниҳоятда ҳаяжонланиб кетдим. Эҳтимол, уйда ёлғиз ўзим ёки яқинларим орасида бу хабар бошқача таъсир қилган бўларди. Регистондак бежиркор жойда, кўпчилигининг қарсақлари остида бундай хушxabарни эшитиш кишига ўзгача йўл фахр, ҳаяжон бахш этаркан. Хонанда сифатида камтарона фаолиятим шундай юксак мукофотга лойиқ топилганидан бошим осмонга етди.

Бу мукофотни, аввало, халқимизнинг, аждодларимизнинг буюк санъатига берилган баҳо деб биламан. Мен халқим

ни, мақомларимиз, мумтоз ашулаларимизни ўрганиш, асраб-авайлаш ва уларни ёш авлодга тўлиқ етказиш борасида кўплаб дастурлар ҳамда режалар ишлаб чиқилди, кўрик-танловлар, фестиваллар мунтазам ўтказилаётипти. Кунин кунга орадан «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг ўзиёқ юртимизда мусиқа санъатига эътиборнинг қай даражада эканини яққол намойён этди. Шу кунгача дунёнинг кўп саҳналарида кўйладим. Фестиваллар, кўрик-танловларда қатнашарканман, ҳар сафар мухлислар ашулаларимизни катта қизиқиш ва ҳайрат билан тинглаётганлари гувоҳи бўламан. Бундан 5-6 йил олдин Голландияда бўлганимда бизни таклиф қилган фестивал директори шундай дедди: «Сиз ижро этган ашулалари олдидай томошабин сифатида кўп бора тингладим, кузатдим. Шундан сўнг фестивалга таклиф қилдим. Европада опера санъати, классик мусиқа қай даража-

да қўл етмас, буюк санъат тури сифатида қадрланса, «Шашмақом»ни худди шулар билан тенг қўяман». Менимча, миллий кўшиқчилик санъатимиз учун бундан юқори баҳо бўлмас керак. Шу билан бирга, бугунгача нимага эришган бўлсам, бу биринчи галда устозларим меҳнати самараси, деб биламан. Юртимизда устоз-шогирдлик анъаналарининг давомийлигига бежиз эътибор берилмаётгани йўқ. Зеро, чинакам устозни топгани — санъаткорнинг бахти. Шавкат Мирзаев нафақат мохир созанда, балки уста бастакор ҳам. Баъзилар жуда кўп мусиқа ёзади, лекин

мухлисини тополмайди. Баъзан биттагина халқчил мусиқа муаллифини машҳур қилиб юборади. Шу ўринда Шавкат ака мусиқа басталаган «Бул ажаб», «Қаёндир», «Нихон этди», «Етишди», «Ким кейин, ким илгари», «Зафар таронаси», «Айладин», «Шому сахарларда» каби ашулаларимни алоҳида таъкидламоқчиман. Устозим ниҳоятда талабчан, қаттиққўл, юзаси муносабати ёқтирамайдиган, мумтоз санъатимизни дилдан қадрлаб, юрак кўрини бериб ижод қиладиган хонандаларни ҳурмат қилувчи, аниқлики севадиган инсон. Уйлайманки, шундай устози бўлган одам ҳеч қачон қоқилмайди.

— **Муножатхон, «Шарқ тароналари» фестивали ҳайъат аъзоси сифатида анжуман ҳақиқдаги фикрларингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз.**
— Самарқандни бежиз «ер юзининг сайкали» деб улуғлашмаган. Айниқса, фестивал ўтаётган Регистон майдонидagi улугворлик, салобат кишини ҳайратга солади. Менимча, бу майдонга келган

ЮКСАК САНЪАТ ЭЪЗОЗИ

Эътироф

Ҳар тонг ишга йўл олар эканман, албатта, «Бухоро маданият маркази» дея ном олган гўзал маскани бир бор сайр қилиб чиқаман. Фусункор фаворалар билан қўршалган «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи олдинда ўтаётганда юрагимни фахр ва ифтихор туйғуси чулғайди. Замонавий Бухоронинг ажралмас қисмига айланган маҳобатли театр қаршига келганда эса кўзларим қувончдан ёшланади. Ҳа, бундай муҳташам театрда ижод қилиш қанчадан-қанча актёрлар учун оғру.

Халқаро анжуман кунларида иштирокчилар миллий санъатимизнинг тарихи ва анъаналари, бугунги кундаги ривож билан яқиндан танишдилар. Илмий конференция, миллий чолғу асбоблари, фотосуратлар, унармандчилик буюмлари кўргазмалари орқали халқимизнинг бой миллий маданияти ва қадриятлари ҳақида ёрқин тасаввурга эга бўлдилар.

Самарқанднинг дунёга машҳур обидалари ва муқаддас қадимжолари, мустикаллик йилларида бунёд этилган замонавий бино ва иншоотлар, боғ ва хиёбонларни томоша қилиш жараёнида меҳмонлар Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тарихан қисқа вақтда асрларга татигулик улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилганини эътироф этдилар. Айниқса, ёш авлод таълим-тарбиясига юксак эътибор қаратилиб, уларнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданияти дурдоналаридан баҳраманд бўлиб воёга етишларига хизмат қиладиган кўплаб замонавий мусиқа ва санъат мактаблари фаолият кўрсатётгани фестивал қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

...Ҳаяжонли лаҳзалар бошланди. «Шарқ тароналари» саккизинчи халқаро мусиқа фестивалининг голиб ва совриндорлари эълон қилинди.

Халқаро анжуман кунларида иштирокчилар миллий санъатимизнинг тарихи ва анъаналари, бугунги кундаги ривож билан яқиндан танишдилар. Илмий конференция, миллий чолғу асбоблари, фотосуратлар, унармандчилик буюмлари кўргазмалари орқали халқимизнинг бой миллий маданияти ва қадриятлари ҳақида ёрқин тасаввурга эга бўлдилар.

Самарқанднинг дунёга машҳур обидалари ва муқаддас қадимжолари, мустикаллик йилларида бунёд этилган замонавий бино ва иншоотлар, боғ ва хиёбонларни томоша қилиш жараёнида меҳмонлар Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тарихан қисқа вақтда асрларга татигулик улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилганини эътироф этдилар. Айниқса, ёш авлод таълим-тарбиясига юксак эътибор қаратилиб, уларнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданияти дурдоналаридан баҳраманд бўлиб воёга етишларига хизмат қиладиган кўплаб замонавий мусиқа ва санъат мактаблари фаолият кўрсатётгани фестивал қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

БОШЛАНИШ БИРИНЧИ САҲФАДА.

Халқаро анжуман кунларида иштирокчилар миллий санъатимизнинг тарихи ва анъаналари, бугунги кундаги ривож билан яқиндан танишдилар. Илмий конференция, миллий чолғу асбоблари, фотосуратлар, унармандчилик буюмлари кўргазмалари орқали халқимизнинг бой миллий маданияти ва қадриятлари ҳақида ёрқин тасаввурга эга бўлдилар.

Самарқанднинг дунёга машҳур обидалари ва муқаддас қадимжолари, мустикаллик йилларида бунёд этилган замонавий бино ва иншоотлар, боғ ва хиёбонларни томоша қилиш жараёнида меҳмонлар Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тарихан қисқа вақтда асрларга татигулик улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилганини эътироф этдилар. Айниқса, ёш авлод таълим-тарбиясига юксак эътибор қаратилиб, уларнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданияти дурдоналаридан баҳраманд бўлиб воёга етишларига хизмат қиладиган кўплаб замонавий мусиқа ва санъат мактаблари фаолият кўрсатётгани фестивал қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

ЯНА САМАРҚАНДАДА КҮРИШГҮНЧА!

Олий мукофот — Гран-при Жанубий Кореянинг «Содо-содо» гуруҳи санъаткорларига насиб этди. Хитой Халқ Республикаси ва Литва вакиллари биринчи, Ўзбекистон, Россия ва Эрон санъат усталари иккинчи, Туркманистон, Грузия ва мадагаскарликлар учинчи ўринга сазовор бўлди.

Фестивалнинг энг фаол иштирокчиларига турли номинациялар бўйича ЮНЕСКОнинг махсус мукофотлари топширилди. — Олтиншарқ яқин давлат вакиллари орасида голиб чиққанимиздан чексиз ҳаяжондамиз, — дейди фестивал голиби «Содо-содо» гуруҳи раҳбари Пак Жон Ук. — Бу эътирофни халқимизнинг миллий санъатига берилган юксак баҳо деб биламан. Фестивал кунларида ер юзининг сайқали ҳисобланган Самарқандни томоша қилиш, унинг гўзаллигидан баҳраманд бўлиш ва самимий, очиққўнғил халқингиз билан дилдан суҳбатлашишга имконият яратган ташкилотчилардан миннатдоримиз. Бу ерда ўтган ҳар бир кун унутилмас, ҳайрату ҳаяжонларга бой бўлди. Биз юртингизга яна келишни, ушбу муаззам майдонда миллий санъатимизни намойиш этишни ният қилиб, Самарқанд билан хайрлашамиз. Фурсатдан фойдаланиб, бутун Ўзбекистон халқини давлат мустикаллимизнинг кўтулғи йигирма йиллиги билан табриқлаймиз.

Маросимда фестивал голиблари ва юртимиз санъат усталари иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди.

...Фестивал байроғи туширилди. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа анжумани иштирокчилари икки йилдан сўнг яна мафтункор Самарқандда учрашиш нияти билан самимий хайрлашдилар. Фестивалнинг ёпилиш маросимидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов ва Самарқанд вилояти ҳокими З.Мирзаев иштирок этди.

Голиб ХАСАНОВ (ЎЗА)

айниқса, миллий қадриятларимизга бўлган муносабат кечачидай ёдимда. Мажбурий таъйинлар натижасида купгина театрлар ҳаётдан узоқлашиб, мафқуравий минбарга айланиб қолган эди. Ўша даврда мавзуси долзарб деб талайгина асарлар саҳнага қўйилди. Улардаги қаҳрамонларнинг исми ўзбекча, лекин руҳияти, ўй-фикрлари умуман халқимизга бегона эди.

Мустақиллик санъаткорлар, жумладан мен учун ҳам катта имконият берди. Саҳнада Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Алишер Навоий каби буюк аждодларимизнинг тарихий сиймоларини яратишга муваффақ бўлдим. Олтиншарқ ортқ катта-кичик роллар ижро этдим. Етук актёр ва режиссёр-

лар билан ишлаш бахтига эришдим. 2010 йили Бухоро театри ҳаётида улкан ўзгаришлар юз бергани кўпчиликка маълум. Салобати Қолисейдан қолишмайдиган муҳташам театр биноси бунёд этилди. Томошагоҳининг очилиш

маросимидан Президентимиз ишмитроқ этгани ижодий жамоамиз учун унутилмас воқеа бўлди. Юртобшамизнинг театр санъатини ривожлантириш, замона қаҳрамонлари образини яратиш ҳақида билдирган йўл-йўриқ ва қўрсатмалари бизни ижодга янги гача ёндашишга ундади. Айни пайтда театримизда изланишлар жараёни кечмоқда. Репертуаримиз ранг-баранг асарлар билан бойиди. Назаримда, саъй-ҳаракатларимиз зое кетмади. Кундан-кунга томошабинлар сони ортиб бормоқда. Келажакда Бухоро ўзбек саҳна санъатининг етакчи марказларидан бирига айланади, деган умиддаман.

Замонавий рангтасвир санъатининг навқирон вакиллари билан бири мусаввир Бобур Исмоилов ижодида гўзаллик ҳақидаги тушунчалар ўзига хос тарзда намойён бўлади. Бобур гўзалликни борлиқ билан чамбарчас боғлаб тасвирлашга ҳаракат қиладди. «Борлиқ илгари мавжуд бўлган, ҳозир мавжуд ва келажакда мавжуд бўладиган объект ҳамда субъектив реаликни ўзига қамраб олади, — дейди у. — Яъни табиат, инсон, санъат, фикрлар, гоғлар — ҳаммаси турли шаклларида мавжуд. Улар ичра ахлит бир гўзалликни топши ҳар бир одамнинг онгига, руҳиятига, дунёқаршига боғлиқ. Мен учун гўзаллик бутун бир олам, ҳар бир лаҳза, ҳар бир он. Ижод жараёнида табиатдан нусха кўчиришга эмас, балки тафаккуримдаги оламни матода тасвирлашга ҳаракат қиламан».

Мусаввир асарларида аксар фазовий ранглар: қўқ, сариқ, оқ ва қизил устулик қилади. Сюрреалистик оқим нафаси йўғирилган бу картиналарда кўсим авангард, кубизм ва постмодернизм таъсирини сезиш мумкин. Гарбнинг замонавий мусаввирлари фалсафасида суратдаги шакллар бирламчи, мазмун-моҳият эса иккиламчи ҳисобланади.

Бобурнинг наздида мувозанат икки томонлама тенг бўлиши, яъни шакл ва мазмун бир хил тасвирланиши керак. Мусаввир уч улчамли маконга янада чуқурроқ кириб боришга, матода ўзгача воқелик яратишга ҳаракат қиладди. Унинг асарларидаги образлар рамзий яхлитлиги билан эътиборни жалб этади. Жумладан, «Шоҳмот» номли

Бугунги кунда Қорақалпоғистон, Қашқадарё, Самарқанд, ҳатто қўшни республикаларда ҳам мухлисларимиз бор. Яқинда бир гуруҳ



дорли ёш режиссёр ва актёрлар келиб қўшилмоқда. Тўғри, уларни профессионал саҳнага тайёрлаш керак. Шу сабабдан устоз-шогирд анъаналари йўлга қўйилди. Театримиз қошида студия очиш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Ўзимни ҳар жиҳатдан бахтли инсон, деб ҳисоблайман. Негаки, истиқлол байрамимиз арафасида мени ҳам санъаткор сифатидаги камтарона хизматларим давлатимиз томонидан юксак баҳолибди. «Ўзбекистон халқ артисти», деган шарафли унвонга сазовор бўлдим. Айни пайтда шу театрга раҳбарман. Улуг саҳна даргалари ижод қилган жамоага етакчилик қилиш мен учун катта шараф, катта масъулият. Бу азим майдондаги муҳташам театр биносининг барпо этилиши Президентимиз ва халқимиз томонидан биз санъаткорларга билдирилган юксак ишонч ва масъулият ифодаси деб биламан. Уни оқлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

ШАМСИДДИН ЙҮЛЛИЕВ, Ўзбекистон халқ артисти

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ БҮРЧИМИЗ

МАТОЛАРГА КҮЧГАН ТАҒАККУР

дастгоҳли рангтасвир асариди ўзига хос саҳна — шоҳмот тахтаси устида содир бўлаётган ҳаёт — ҳаёлот сахнаси акс этган. Тўғри томонга узунлашган ва асарда тўқ сариқ, ним жигарранг, қизғиш ранглар орқали чексиз оқ-қора каттакчалардан иборат шоҳмот тахтаси тасвирланган. Манзарада дараза шаклини эслатадиган, унчалик катта бўлмаган дарчадан батамом тахайюл оламига шўнғиган, қиёфаси геометрик нақшлар билан безатилган қип-қизил кийимдаги масҳарабознинг бутун борлиги олмага қаратилган. Елкаларидаги уч туп ян-яшил дарахт ҳаёлий уй томон етаклаб кетаётгандек. Олдиди турган антиқа грамофондан гўё ёқимли наволар таралиб, куй оғушида у ҳаво шариди парвоз қиладигандек. Асарнинг ёрқин колорити ва нур-соялар ўйини томошабиннинг рассом яратган жозибадор муҳитга тўла кириб боришига замин яратди. Ҳаёлпарастнинг бошидаги узун, ко-нуксимон қалпоқ оғзуларининг чексизлигини англади. Кўларидида қизил рангли катта қўлқоплари билан гўё оғзуларини абадий ушлаб қолишга интилади. Бу асар ҳава ва иштиёқнинг чексизлиги ҳақида қўшқуча ўшайди.

Б.Исмоилов ўз ижодий изланишларида И.Босх, А.Жибоедов,

Гулчехра УМАРОВА суҳбатлашди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси, Ўзбекистон давлат санъат институти, шу институт профессори Тоир Исломовга қизи

РАССОМ УСТАХОНАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси, Ўзбекистон давлат санъат институти, шу институт профессори Тоир Исломовга қизи

Камола МАҲҚАМОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ВАТАННИ МАДҲ ЭТУВЧИ ҚҮШИҚЛАР

Президентимиз ташаббусига кўра бу йил учинчи марта ўтказилган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг асосий мақсади она-Ватанимизни шарафловчи, ёшларда ватанпарварлик, фидойилик, элу юртга садоқат хисларини тарбияловчи энг яхши кўшиқларни саралаб, уларни халқ мулкига айлантиришдан иборатдир. Йилдан-йилга танлов қатнашчилари сафи кенгайиб бораётгани, ёши, касби-коридан қатъи назар, минглаб юртдошларимизда мазкур тадбирда иштирок этишга иштиёқ кучаяётгани қувонarli хол. Танловнинг дастлабки босқичлари Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тизимиде кўтаринки руҳда ўтгани шундан далелат.

Ватан ҳақида, бугунги озод ва обод юрт, истиқлол берган бахт-саодат, халқимизнинг бунёдкорлик меҳнати ҳақида қўйлаб ҳар бир хонанда учун шараф экани танлов қатнашчилари чиқишларида яққол кўзга ташланиб турди. Мазкур танлов кўплаб ёш истеъдод эгаларини кашф этишда, уларнинг иҳодини элга татиштишда муҳим аҳамият касб эт-

ди. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустикаллимизнинг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига биноан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» бирлашмаси, Езувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания ҳамкорлигида биринчи бор республика театрларининг «Сени кўйлаймиз, замондош» кўрик-танлови ўтказилди. Ўзбек Миллий академик драма театрида мазкур кўрик-танлов голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. «Ўзбектеатр» бирлашмаси бош директори О.Ризаев, Ўзбек Миллий академик драма театри директори Е.Аҳмедов ва бошқа санъаткорларнинг чиқишларида истиқлол йилларида театр санъатини янада ривожлантириш, унинг ёш авлод маънавиятини юксалтиришдаги ўрни ва ролини кучайтириш, ижодий жамоалар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг қаровли ишлар олиб борилаётгани таъкидланди.

Танловда қатнашиш учун санъатшунос мутахассислар томонидан истиқлол даврида яратилган ўн олти спектакл саралаб олинди. Ҳайъат-қўловасига кўра биринчи ўрин берилмади. Иккинчи ўринга Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусикали драма ва комедия театрининг «Баҳор шамоли» (Нурилло Аббосхон асари, режиссёр Ҳайрулла Солиев) спектакли, учинчи ўринга Бердақ номидаги Қорақалпоқ мусикали театрининг «Интиланган толе ёр» (Пўлат Айтмуратов асари, режиссёр Жалғас Султабаев) спектакли сазовор бўлди.

Баркамол авлод ҳаётига бағишланган энг яхши спектакл учун Самарқанд вилоят мусикали драма театрининг «Оққуш» ва республика Ёш томошабинлар театрининг «Дискотека», Ватан ҳимоячилари акс этган энг яхши спектакл учун Бухоро вилоят драма театрининг «Турон», бунёдкорлик ишлари акс этган энг яхши спектакл учун Фаргона вилоят мусикали драма ва комедия театрининг «Бошқача одамлар» спектакллари алоҳида совринлар билан тақдирланди.

Ўзбек давлат драма театри актёри Ҳошим Арслонов («Эзгулик йўли» спектакли) ва Сурхондарё вилоят мусикали драма театри актёри Бозор Рамазонов («Шижоат» спектакли) эркак ролининг энг яхши ижроси учун. Қўзон шаҳар мусикали драма театри актрисаси Шафбат Раҳматуллаева («Жаннат одамлар» спектакли) ва республика Сатира театри актрисаси Дилафрўз Мамашова («Садоқат» спектакли) аёл ролининг энг яхши ижроси учун мукофотлар билан тақдирландилар.

моқда. «Ягонасан, муқаддас Ватан!» танловининг бу йилги якуний босқичи ҳам кўплаб истеъдодли ёшлар кўшиқ санъати оламига дадил кириб келаятганларини кўрсатди. Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра Ички ишлар вазирлиги ашула ва рақс ансамбли хонандалари, «Нихол» мукофоти совриндори Юлдаш Турдиева ва Дилмурод Мусаевга «Бахтлар бешиги» кўшиги (Раҳматилла Нормурад мусикаси, Аҳириддин Нурмурад шеъри) учун биринчи ўрин берилди.

Иккинчи ўрин Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимиде Элмурод Аҳмедов ва Фурқат Ашуралиев ижросидаги «Ўзбекистоним» (Маҳмуд Тожибоев мусикаси ва шеъри) ҳамда «Нихол» мукофоти совриндори Сарвиноз Аннақулова ва хонанда Фархат Ёсемуратов, Едилбай Акимов, Аҳириддин Пахрадинов ижросидаги «Халқим» (Аҳириддин Пахрадинов мусикаси, Марат Нурматуллаев шеъри) кўшиқларига насиб этди.

«Нихол» мукофоти совриндори Барно Исмаилов (Бастакорлар уюшмаси) «Эй, гўзал бўстон» (Мустафо Бафлов мусикаси, Нормурад Нарзуллоев шеъри) кўшиги учун учинчи ўринга сазовор бўлди.

СЕНИ КҮЙЛАЙМИЗ, ЗАМОНДОШ!

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси, Ўзбекистон давлат санъат институти, шу институт профессори Тоир Исломовга қизи

Умида АҲМАДҲУЖАЕВА



Б.Жалолов, Ж.Умарбеков каби атоқли рассомлар ижодида таянади. У Маннон Уйғур номидаги Санъат институтининг «театр саҳна беази» бўлимида тахсил олгани боис театр, кино, мультипликация, китоб графикаси, маҳобатли рангтасвир йўналишларида салмоқли ижод қилмоқда. Постаювқачи-рассом сифатида «Насриддин Афандининг қилмишлари» балетиде ва «Ўзбекфильм» киностудиясида «Алпомиш», «Қуш» каби мультимедиа қилмишлари учун

бир қатор асарлар яратди. Мусаввир 1993 йилдан бунён мамлакатимизда ҳамда хориж давлатларида ўтказилган кўргазмаларнинг мунтазам иштирокчиси. Тошкент, Париж, Москва, Новосибирск, Вашингтон, Лондонда шахсий кўргазмалари бўлиб ўтган. Графика ва рангтасвир бўйича халқаро танловларда қатнашиб, совринли ўринларга сазовор бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бирлашма Иқтисодий ва молиялаштириш бошқармаси бошлиги Мухаббат Бурхановага ўғли

Улугбек БУРХАНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

UZBEKISTON RESPUBLIKASI

УЛУҒ БАЙРАМ МУБОРАК!



Мустақиллик — энг улуғ неъмат.

Барча ватандошларимизни энг улуғ ва азиз байрамимиз — Истиқлолимизнинг 20 йиллиги шодиёналари билан муборакбод этамиз!

Азиз юртдошлар! Истиқлол шарофати билан истеъдодини намоён этиб, юксак ижодий ютуқларга эришаётган санъаткорлар ҳамisha сизнинг хизматингизда.

Халқимизнинг эзгу фазилатларини, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик самараларини куйлаш, тараннум этиш биз учун шарафдир.

Куй, қўшиқ, дилбар наволар
ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

«ЎЗБЕКНАВО»
эстрада бирлашмаси.

МУҲТАРАМ ВАТАНДОШЛАР!

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси юртдошларимизни, театр санъати ходимлари ва барча мухлисларни энг улуғ ва энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги

билан чин дилдан қутлайди.

Хонадонингиздан бахт,
қут-барака аримасин,
сиҳат-саломатлик, маънавий
баркамоллик
ҳамиша сизга ёр бўлсин!



20 yil

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Муқимий номидаги ўзбек давлат муסיқий театри жамоаси

барча юртдошларимизни

Ватанимиз Мустақиллигининг
20 йиллиги байрами билан
самимий қутлайди!

Янги мавсумда сиз азизларни бадий юксак сахна асарлари кутмоқда. Талабчан, зукко томошабинлар билан ҳамкор бўлиш биз учун катта бахт.

Юртимиз осмони мусаффо,
ҳаётимиз фаровон,
хонадонларимиз файзли бўлсин!



МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКISTON
РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ
ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКISTON ЕЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИИ: «МАТБУОТ ТАРКАТУВИ»
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ



**O'zbekiston
adabiyoti va san'ati**

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:
Котибиат — 233-49-93 uzas@b2c.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош
муҳаррир
Саъдулла
ҲАКИМ



Ташриҳиётга келган қўғамалар тахтия этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Муаллифлар физик ташриҳиёт нусхаси назаридан фарқлангани мумкин.
Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Суюндик МАМИРОВ
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Вуқоқ Турон кўчаси, 41 уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 02.18

ЖУМА
КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.
СОТУВДА
НАРХИ
ЭРКИН

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 5076. Бу юртимиз Г — 044. Халқимиз — 3 босма табоқ, Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5